



*Adabiyot, madaniyat yashas - millat yashaydi*

# O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIU,  
MA'NAVII-MARIFIY,  
IJTIMOIY GAZETA  
1956-yil 4-yanvardan  
chiqa boshlagan

2023-yil 2-iyun  
№21 (4732)

Дўстлик кўпиклари

## ҚАРДОШ ҚИРГИЗ ДИЁРИДА



Ўшга борган киши, албатта, Сулаймон тогига чиқиб, Ўш шаҳрини юксакда туриб томоша килади. Тоғ тепасида жойлашган “Сулаймонтоғ” тарихий-археологик музей-мажмуаси ҳамда XVI асрда қурилган, ҳалқ орасида “Бобурнинг оқ уйи” номи билан машҳур кичикрөк бир хона ва айвондан иборат намозгоҳ ҳам сайдёхларни ўзига чорлаб туради. Заҳирiddин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Сулаймонтоғ тепасида Султон Махмуд ҳужра қургани, кейинчалик, 90-йилларда ўзи ҳам айвонли бир ҳужра қурганини, Ўш шаҳрининг баҳаволигини айтиб, меҳр билан тасвirlайди.

Ўш шаҳри аҳолиси кўпмиллатли, аммо асосий кисми ўзбеклардан иборат. Бугун шаҳарга келган ватандошлишимиз, албатта, кўриши лозим бўлган бинолар сони йилдан йилга ортиб бораётганини таъкидлаш жиҳозланган. Улардан бири ўзбекистонлик курувчилар бунёд этган в 2018 йилда фойдаланишга топширилган 18-умумтальим мактаби бўлса, иккинчи айни кунларда куриб биттирилган ва очилиш тантаналари

кутилаётган Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек академик мусикиали-драма театрининг замонавий кошонаси.

### НАВОЙ МАКТАБИ

Қирғизистонда “Навоий мактаби” номи билан машҳур бўлган бу таълим муассасасига кираверишда, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўзлари деворга муҳрланган:

“Дунёдаги энг катта бойлик – ёшлинида олинган билим ва эгалланган касб-хунардир”.

– 1936 йилда ўзбек мактаби сифатида очилган мактабимиз Иккинчи жаҳон уруши даврида госпиталга айлантирилган, шундан кейин рус мактаби бўлиб фоалият кўрсатган, аммо унинг биноси жуда эскириб, пуртурдан кеттанди. Алишер Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан мактаб

улуг мутафаккир номини олган. Ўзбекистон Республикаси Президентидан миннатдормизки, қарийб юз йиллик тарихга ега бўлган мактабимизга янги бино куриб бердилар, – деди сухбатимиз аввалида мактаб директорининг ўринbosari Мамитова Ойжаркин Асилбековна. – Мактабнинг янги биноси очилмасдан оддин ўқувчилари миз сони 900 нафар атрофида бўлса, хозирга келиб 1549 нафарни ташкил килиди. Кўриб турганингиздай, кейинги беш йилда салкам 600 нафарга кўпайди. Албатта, бу янги бино, ўқитувчилар ва ўқувчиларга яратилган кулиш шарт-шароитлар ҳамда таълим сифатининг ортиши хисобиганди.

Мактабда таълим кирғиз тилида олиб борилса-да, ўзбек тили ва адабиёти хонаси чиройли жиҳозланган, ўзбек ва кирғиз тилидаги синф кутубхонаси ҳам ташкил килинган. Кутубхонада ҳазрат Алишер Навоий асрлари кўпжилдигини кўриб мамнун бўлдик. Биз ҳам мактабга ўзбек ва кирғиз тилидаги китобларни, жумладан, мутафаккир бобомизнинг кирғиз тилига таржима килинган “Лайли ва Мажнун” достонини тухфа килидик.

Мактабда “Навоийхонлик” тадбирлари, шунингдек, ўзбек ва кирғиз адабиётларининг ижодига бағишилган учрашувлар мунтазам ўтказиб турилишини ёштириб, курсанд бўлдик. Биз мактабга борган пайтада ўзлар барча ижодкорлар, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари йиғилиб, таниклидиди Мирзоҳид Мирзараҳимов таваллудининг 80 йиллиги муносабати

билан тайёрланган тадбир бошланадиган экан.

Мирзоҳид Мирзараҳимов “Ўзим хакимда” эсесидаги шундай ёзди: “1991 йили Ўш вилоят ўзбек миллий маданият марказини тузиш бўйича ташкилий комитет иш бошлади. Унга бошчилик килиш менинг зиммамга тушди... Биринчи қурутойда ҳалқ вакиллари мени Милий марказининг Раиси килиб сайдиллар”.

Мирзоҳид ака Ўш вилоятидаги ўзбеклар ҳақ-хукукларини химоялаш борасида жонбозлик кўрсатиб ишлаган, шунингдек, Ўш адабий мухитини кучайтириш, ёш ижодкорларни тарбиялашда ибрагли ишларни амалга ошириб, вилоят ҳамда республика тархида ўчмад изолдириган ҳазрати инсон экани тадбирда бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

### БОБУР ТЕАТРИ

Эл орасида, Ўзбекистонда ҳам, “Бобур театри” деб донг тарраптан Захридин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек академик мусикиали-драма театри аввал оддий шаҳар маданият марказининг эски биносида фаолият юритар эди. 2021 йили Ўзбекистон ва Кирғиз Республикалари Президентларининг келишиви билан театр биноси ўзбекистонлик курувчилар томонидан кайти бунёд этилди. Бино куришиши ва уни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун Ўзбекистон томонидан етти млн. АҚШ доллари ажратилиди.

▶ 2

Шеърий лаҳза

Александр ПУШКИН

... Џ

Эсимдадир ажаб дам ҳали:  
Кўз олдимда бўлдинг намоён,  
Пок гўзаллик даҳоси қаби,  
Бир лаҳзалик хаёл, тушсимон.

Фам-аламдан дилим ёнгандা  
Тушларимда кўрдим чеҳрангни.  
Ҳаётдаги бўм -бўш суронда  
Келиб турди товсинг жарангни.

Йиллар ўтди. Исён бўрони  
Хаёлларим совурди дилдан.  
Ва унудим дилбар садонгни,  
Ўчди азиз чеҳранг ёдимдан.

Кувунликнинг чангиди нурсиз  
Фамга тўлиб кунларим ботди;  
Худо, илхом ва кўз ёшисиз,  
Ишк, изтироб ҳаётсиз оқди.

Мана, қалба ошно бўлди най,  
Кўз олдимда бўлдинг намоён,  
Гўзалликнинг соғ парисидай,  
Бир лаҳзалик ажаб тушсимон.

Руҳим яна ўйғонди бу дам,  
Яна унда тирилди најот;  
Яна дилда худо ва илхом,  
Кўз ёшию мухаббат, ҳаёт.

ЗУЛФИЯ таржимаси.

Наим КАРИМОВ,  
академик

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА МАҚСУД ШАЙХЗОДА

Максуд Шайхзоданинг адабий меросида ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти масалалари ва намояндайларига багишинган мақолалар қанчалик кўп бўлмасин, уларда Абдулла Қодирий ижодига багишинган бирорта маколани ёки “Ўтган кунлар” романи ва унинг муаллифи тўғрисида айттилган иккиси оғиз сўзини топа олмайсиз. Ҳатто Абдулла Қодирий камокка олинганидан кейин НКВД ходимларининг талаби билан қарийб барча ийрик ўзбек ўзбекларни мажбуран “Ўтган кунлар” романи музалифини қоралочи кўпмиллатли, аммо асосий кисми ўзбеклардан иборат. Бугун шаҳарга келган ватандошлишимиз, албатта, кўриши лозим бўлган бинолар сони йилдан йилга ортиб бораётганини таъкидлаш жиҳозланган. Улардан бири ўзбекистонлик курувчилар бунёд этган в 2018 йилда фойдаланишга топширилган 18-умумтальим мактаби бўлса, иккинчи айни кунларда куриб биттирилган ва очилиш тантаналари



## ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ



Театрнинг тили битта: қайси юртда бўлмасин, санъат ахлининг дили факат эзгуликдан сўзлайди. Шу боис бу санъат турни асрлар давомида миллатлараро муштараклигини йўқотмайди. Дунё санъасида спектакллар қайси тилда кўйилмасин, санъат риштаси барини чамбарчас boglaidi. Театр санъати жамият ва ҳалқ тилидан сўзлайди, мухаббат ва нафрата, яхшилик ва ёмонлика коришиб ётган ҳаёт манзаралари тасвири оркали томошабининг калъ кўзини очади. У мурод қалбларни уйготишига қодир катта маънавий куч.

Сўнгти йилларда ўзбек театр санъатида кечачётган катта ижобий ислоҳотлар санъаларимизда амалий ифодасини топмоқда. Бу жараёнлар ўзбек театрлари режиссёrlари, актёrlари дунё театри билан тенглашишга қодир эканини намоён этмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда соҳа ривожида катта янгиланишлар юз бератгани аниқ. Аввал хабар берганимиздек, Маданият ва туризм вазирилиги ташаббуси билан Ўзбекистонда илк маротаба ўзида юксак ҳаётий аъмолларни мухассасмиз этган “Евросиё” ҳалқаро театр санъати фестивали бўлиб ўтди. Муҳислар, мутахассислар ва соҳа ижодкорлари пойтахтизимиз театрларида Қозғалистон, Кирғизистон, Туркия, Озарбайжон, Токикистон, Туркманистон, Грузия, Россия, Коракалпогистон ҳамда республикамиз театрларида санъалаштирилган турли мавзудаги ранг-баранг асрарларини томоша килдилар. ▶ 5



Куни кечя Францияда 76-Халқаро Кани кинофестивали ниҳоясига ётди. Мазкур нуғузли кинофестивалда хорижлик кинематография вакиллари қаторида ўзбек киноижодкорлари ҳам ўз миллий павильони билан иштироқ этди. Ўзбекистон Кинематография агентлиги “Хўжжатли ва хроникал фильмлар киностудииси” ДУК директори Фурқат УСМОНОВ бу ҳақида мухбримизга қўйидагиларни гапириб берди:

– Мазкур халқаро кинофестивалда Маданият ва туризм вазирилиги хузуридаги Кинематография агентлиги ҳалқаро муносабатлар бўлими мутахассиси Сайёра Худойбердиева ҳамда камина бошчиллигидаги ўзбек делегацияси катнашидик. Кинофестивалнинг очилиши кунида хорижий меҳмонларни ўзбек кинематографияси билан танишитирдик. Хусусан, Ўзбекистон Миллий павильонида ўтказилган «My Dream Uzbekistan» номли еттига лот тақдимоти кинофестиваль меҳмонларида кизикиш ўйғотди. ▶ 5

## ДОНО АЁЛЛАР ЗИКРИ

Ризоуддин бин Фаҳридиннинг “Машҳур хотунлар” номли асари тазкира шаклида ёзилган бўлиб, XIX асрда Оренбургда нашр килинган. Тазкирининг таркиби кўйидагича: сосонийлар хонадонига мансуб аёллар тарихи; эронлик шонралар; Салжукийлар хонадонига мансуб аёллар; Эронда подшоҳлик килган аёллар; Андалусия шонралари; араб шонралари; араб муганийлари; усмонли шонралари ва арабалари; мохир хаттот аёллар; баҳодир аёллар; муғассира ва шайхалар; шунингдек, Амир Темурнинг кизи; Исмоил Сафавийнинг умр йўлдошлари ва ноёб истеъоду салоҳияти билан ўз даврининг нодираси бўлган мусулмон Шарқида яшаб ўтган яна бошқа машҳур аёллар тарихи ёритилган. Асадаги маъмуротлар алиби тоғрибида тузиб чиқилган. Китобни ана шу тартиб бўйича варажлаб “о” хар-

фига тўхталсан, Оиша исмли бир нечта аёл тарихи битилганини кўрамиз. Улардан бирига тўхталамиз: Оиша Расулулоҳ(с.а.в.)нинг аёлларидан бири ва Абу Бакр Сиддикнинг кизидир. У аквал қозватди, ифифту пархезкорликда беназир бўлган. Шунингдек, араб тарихи, ҳадис имли мазҳаб масалаларида замонасида тенги ўйқ эди. Шу сабаб Расулулоҳ(с.а.в.) вафотларидан сўнг сахобалар Оишага мурожаат килиб, ўз саволларига жавоб топардилар. Унинг нутқидаги фасоҳат ақлларни хондирларда даражада бўлиб, энг нозиктаб одамлар ҳам бу борада тасанинг айтмай иложжалири йўқ эди. Халифа Муовия: “Фасоҳату хушфамлика Оишага етадиганини умримда кўрмадим”, дея ўзириф этган экан.

Яна бир ўз даврининг улуғларидан бўлган зот: “Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва бошқа халифаларининг хутбаларини ёшитганиман, Амир Темурнинг кизи; Исмоил Сафавийнинг умр йўлдошлари ва ноёб истеъоду салоҳияти билан ўз даврининг нодираси бўлган мусулмон Шарқида яшаб ўтган яна бошқа машҳур аёллар тарихи ёритилган. Асадаги маъмуротлар алиби тоғрибида тузиб чиқилган. Китобни ана шу тартиб бўйича варажлаб “о” хар-



У адабиётдан юксак даражада хабардор бўла турлиб, жуда кам шеър ёзган. Оиша Расулулоҳ(с.а.в.)нинг илтинослари билан у кишига ўз шеърларидан ўқиб берар экан. Тарихдан яхши хабардор бўлган бабзи олимлар: “Агарда ҳазрат Абу Бакр(р.а.)нинг ўғиллари кизларидек гайратли ва иктидорли бўлганнада эди, Умар ибн Хаттобга халифалик осонликча наисб бўлмасди”, деган экан. Тўғри, Абу Бакр(р.а.)нинг ўғиллари гайрату шижаотли эдилар, лекин у кишининг кизларидек эмасдилар.

Оиша(р.а.)дан 2000дан ортик ҳадис ривоят килинган бўлиб, улардан 54таси “Саҳиҳ Бухорий”, 158таси “Саҳиҳ Муслим” китобларига кирилган.

▶ 4

4



## Гулчехра МУМТОЗ



## ЖОНИМ ВАТАН

Қалқон бўлай, корингта бир яроғ бўлай,  
Қош-кўзимда асрагувчи қароғ бўлай,  
Курбон бўлай, тунингда ёқ, чироғ бўлай,  
Жоним – Ватан, шоним – Ватан, борим – Ватан!

Сенга шараф-шонлар бўлсин, шаънинг буюқ,  
Ялпизингдан андизгача бунча суюк!  
Толенинги асрамоқлик зинмамда юқ,  
Жоним – Ватан, шоним – Ватан, борим – Ватан!

Табарруксан, саждагоҳим, сен паноҳим,  
Хумо қушим, баҳт таҳтим, суяч тогим,  
Бекиёсим, бебаҳоим, жаннат боғим,  
Жоним – Ватан, шоним – Ватан, борим – Ватан!

Сен Отамсан кўлларимдан тутиб турган,  
Сен Онамсан йўлимга кўз тутиб турган,  
Сен толесан, менг баҳтлар битиб турган,  
Жоним – Ватан, шоним – Ватан, борим – Ватан!

## ДАРВЕШ КАБИ...

Дарвеш каби дарвозангни чертиб борай,  
Эшигингни очасани мен гаригба?  
Нон баҳона кўрсам бўлди дийдорингни,  
Сўнгра кетгим Машриккими ё Мағрибга.

Ишк тиланиб ёр васлингда гадо бўлдим,  
Сени излаб қадим этик, сато бўлдим.  
Гадо бўлдим, адо бўлдим, фидо бўлдим,  
Балки тақдир ёзуғида хато бўлдим.

Дарвозангни такиллатсам, эгаси бор,  
Уй ичинда баҳт талашган бекаси бор.  
Гадо бўлсанг ана нон, сув, дея кўрма,  
Сен баҳтимсан десам, баҳт – чегаси бор.

Дарвозанг оч, дийдорингни бир бор кўрай,  
Гар чегали баҳтимга баҳт бўлолмассан.  
Девонанг ман сендан баҳтлар тилаб борган,  
Баҳтсизлигим бадалини тўлолмассан.  
...Ишк тиланиб, ёр, васлингда гадо бўлдим...

## Тақдимот

**Ижодкор дунёни мукаммал кўргиси келади.**  
Урушлар бўлмаслигини, одамлар доимо тинчликда,  
фаровон яшашини истайди. Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими, Коракалпогистон  
халқ шоири Рустам Мусурмон ҳам токи дунё гулзор  
бўлмагунча гул экшини хоҳлайди. Бу, чиндан, эзгу  
ният. Маколамиза сарлавҳаси сифатида олинган  
ушибу сатр ижодкор қиёфасини, ички дунёсини бор  
бўй-басти билан кўрсатади.

## «ГУЛ ЭКУРМАН ЖАҲОНА...»



31 май куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида улуғ венгер шоири Шандор Петёфининг ўзбек тилидаги “Озодлик” шеърлар тўплами хамда таникли шоири Рустам Мусурмоннинг “Бир жуфт сўз” китоби тақдимоти ўтказилди. Унда давлат ва жамоат арабблари, шоири ва таржимонлар, адабиётшунос олимлар, таълаби ёшлар иштирок этди. Тадбирни филология фанлари доктори, профессор Баходир Карим олиб борди.

Тақдимотда Венгрия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Дијла Ковач. – Шоир атиги 26 йил яшаган бўлса-да, хаётлик пайтидаёқ шеърлари хорижий тилларга ўтирила бошланган. Рустам Мусурмон таржимаси Шандор Петёfini ўзбек ўкувчиларига янада якинрок таништириди. У Шандор Петёfi тавалуддининг 200 йиллигига бағишлиланган, Венгрияда ўтказилган халқaro шеърий таржима танловида катнашиб, голиб бўлди. Бундай ижодий ҳамкорлик Ўзбекистон ва Венгрия ўргасида маданий, дипломатик алоқалар ривожида мухимdir.

Атоқли чех шоири Ян Неруда венгер адабиётининг бу ёркян вакили ҳакида шундай деган эди: “Петёfi венгер адабиётини жаҳон адабиёти билан биритирган олтин кўпприкдир. Гўзал ва ўтюорак венгер милятининг ундан ҳам кўра буюрок ўғлони ўйқ. Петёfi туғилган кун бу милятининг ёнг баҳтили айёмидир”.

Дарҳакиқат, мажор ҳалқи Шандор Петёfini миллий каҳрамони деб билади.

Ўкувчиларга тақдим этилган “Озодлик” китобига

Шандор Петёfi асарларининг Рустам Мусурмон то-

монидан алмалга оширилган янги таржималари кири-

тилган ва бу унинг ижодий фаолиятида янги боскич

бўлди. Унда давлат ва жамоат арабблари, шоири ва

таржимонлар, адабиётшунос олимлар, таълаби ёшлар

иштирок этди. Тадбирни филология фанлари доктори,

профессор Баҳодир Карим олиб борди.

Тақдимотда Рустам Мусурмон венгер ва ўзбек адаби-

лар алоқалари ҳакида гапириб, Шандор Петёfidan

таржималари ва ўзининг шеърларидан намуналар

ўқиб берди.

Йигилганларга Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси то-

монидан “Озодлик” ҳамда “Бир жуфт сўз” китоблари

совга килинди.

– Шандор Петёfi дунёга танилган асарлари энг кўп

таржима килинадиган мажор шоири, – дейди Венгрия

# ЖОНИМ ВАТАН

## СОҒИНТИРАВЕР

Рости соғинганман,  
соғинтиравер,  
Ҳажрингда бу дилни  
огринтиравер.  
Изларинг тўтиё,  
сигнтиравер.  
Сен шундай жабркор,  
ситамгар,  
бедил...

Майли зориктиргил,  
зорлар бўлайин,  
Ишқда толиктиргил  
хорлар бўлайин.  
Нажот бер васлингга  
ёрлар бўлайин,  
Дардини ичига ютган  
Мен – бетил...

Нечун кўринмайсан  
кўзим таскини,  
Ҳажрлар бузмоқда  
кўнглим ашкни.  
Сезмайсан, бу дилгир  
дилнинг рашикни  
Сен шундай билмассан  
Мен – зъяфарон гул...

Билмайсан,  
дардбоним, дилда эхтиёж,  
Илинжим ишқандир,  
бошқа ўйқ илож,  
Бу хажр даштида очиб кенг қулоч,  
Боряпман сен томон  
куймокда кўнгил...

Билмайсан дардимни,  
дейсанки, кўнгил!  
Какнусдек ёнаман,  
умидлар чил-чил.  
Ёнсам-да,  
Кўйсам-да,  
Бўлсам-да

Кул-кул,  
Мен энди ортимга  
Қайтмоғим мушкул!

Мен мискин – йўловчи,  
такдир эса йўл,  
Ишқ отлиқ кажрафтор  
йўлинда мен – гил...  
Кўзимнинг кувончи –  
топингтиравер,  
Соғиндим, соғиниб,  
соғинтиравер...

**МЕН ЪША**  
Тошини ёриб унган гул,  
Дарё бўлиб тинган дил,  
Чўғи ўчуб сўнган кул  
Мен єша!

Хиёнатларга ёвман,  
Ёндиргувчи оловман,  
Шундай юраги довман  
Мен єша.

Ул исенкор, ул ёмон,  
Ранги зъяфарон, сомон,  
Шунча ғамдан ҳам омон  
Мен єша.

Яшаса-да, изи ўйқ,  
Оташ-олов сўзи ўйқ,  
Дарди бор-у, бўзи ўйқ  
Мен єша!

Ойман – кўлинг етмаган,  
Ишқи дилдан кетмаган  
Аламлари битмаган  
Мен єша.

Мухаббатдан дил ясон,  
Ўн гулим бари ҳазон,  
Қалбида ишқдан тўзон  
Мен єша...

## Мирзоҳид МИРЗАРАҲИМОВ



Шундагина мен эртага бу ердан жўнаб кетишими, икки, балки уч йил уни бошқа кўролмаслигимни эслаб, юрагим оркага тортиб кетди.

– Мен эртага кетаман, Назокат.

Назокатнинг куйи эгилтади кипрлари аста кўтарили, оташ нигоҳи юз-кўзимни сийпалаб ўтди-ю, узок-узок уфкларга тикиланча котиб колди.

– Энди узок йиллар учрашмаймиз.

Назокат осмонни тешгудай ўткір кўзларини бир нуктага тикканча хамон жим турарди. Мен хам ўрнимдан турдим. У менга мулоим бокди.

– Кетамизим?

– Токка чикамиз, – бирдан тимлига бу гап қаердан келиб колганини билмайман-у, хар қалай, бу фикрдан телбалардай севиниб кетдим. – Қишлоқни яна бир марта тўйиб томоша қиламиз, йўқ деманг, Назокат.

Унинг чехрасидаги тундлик бирдан кәккадир ғойиб бўлди-ю, коронги кеча чараклаб кетди.

– Майли-ю, лекин битта шартим бор.

– Энди нима қиласиз? – Унинг овозида кўркув бор эди.

Уни ҳарсанг тош панашига бошлидади.

– Кутуб турамиз, ўтиб кетади.

– Тонгчча куйи берса-чи?

– Тонгчча биз ҳам... – Унинг юзига караҳ, хозир ҳазил кўтартмаслигини кўрдим-у, тилимга келганини чайна юбордим, – Била-сизми, бирдан шитоб бошланган ёмғир тез тинади.

**Я**на чакмок чакди. Момакалдирок тогни ларзага келтириб юборди. Шунда Назокат кўли билан кулоқларини чиппа беркитганча ўзини багримига отди. Унинг хипча, дуркун вужуди совуқданми, кўркувданми, дир-дир титрарди. Мен совкотмас, кўркмас эдим, никмагадир барибири мен ҳам қалтирадим.

Шу ҳолатда қанча вакт ўтганини билмайман. Бир маҳал карасам, енгил шабада турибди. У ҳадеб Назокатнинг этагидан тортқилайди. Назокат ҳамон иссиқ пинжидан чиқиси келмай, кўзларимга майин бокади. Шу бир-икки соат ичиди мен тамом ўзгариб кетган-

# ҲАР ЙИЛИ БАҲОР КЕЛАДИ

– Қанака?

– Чарчаб қолсан, кўтариб оласиз-да?

Юрагим уришдан тўхтаб қолади. Кувончимдан каршишида тиз чўқиб, елкамни тутдим.

– Энг чўқисигача кўтариб чикмаган-номард, ўтирин!

У хандон отиб кулди. Тог-у тош, ер-у замин кулганини мен ўшанда жўнаб кўрганман. Йигит ёшим илк датфа ўшанда кулган. Шу кулаги билан кўл ушлашиб, тог ёнбагирлаб юрдик. У бирдан тўхтаб колди.

– Бувим нима дейди? Йўқ-йўқ, хавотир олади, чикмаймиз!

**Б**ирдан бўғин-бўғиним кўшашни келди. Ёлвордим:

– Ахир биз ёш бола эмасмиз-ку, йўқолиб колмасмиз? Юринг, юраколинг!

Яна юрдик. Дам-бадам “чарчамдингизми?” деб сўраб кўйман.

– Нимайди? – дейди ноз билан у.

– Чарчансиз, кўтариб олай, девдим, – дейман мен.

– Оғирман-да, – дейди кулиб у, – кўтаролмайсиз.

– Аксинча, күш бўлиб учеби тақдим, – дейман мен.

У кулади.

– Ём бола!

Бирдан нақ пешонамизда чакмок чакди. Кейин осмоннинг көрин оғриги тутиб, момакалдирокнинг гумбур-гумбури тутиб кетди. Тог ҳавоси шунақа-да. Осмонни кора булут коплаганини сезмаган эканмиз. Ёмғир йирик-йирик томчилай бўлади. Савол назари билан унга қарадим. У шу пайт худди бўри қарашидан чикнуб қолган охуга ўхшарди.

Ҳамма нарса тақрорланади. Лекин одам бир марта севалиди, бир марта севилади.





Тошкент Фотосуратлар уйида очилган “Табиатни биргалиқда асрайлик” деб номланган кўргазма Халкар боаларни химоя килиш кунига бағишиланди. Тадбирда Ўзбекистонда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳалқ дипломатияси маркази директори Ко-билижон Собиров, ЮНИСЕФ-

кидан асосий максад, уларда тасвирий санъатга кизишиши, табиатни асраш тушунчасини шакллантиришидир. 2023 йилда бутун республика бўйлаб мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг уч юздан ортик ижодий ишлари ушбу кўргазмага келиб тушиди.

## ТАБИАТНИ БИРГАЛИКДА АСРАЙЛИК

нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде, Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва муҳтор элчиси Леонид Маринич, Мактабгача таълим агентлиги директорининг ўринbosari Оятилло Рахматуллаев сўзга чиқиб, бу каби тадбирлар ўсбү келаётган ёш авлодда экологик онга маданий шакллантиришга, экологик тарбияни ривожлантиришга хизмат килишини таъкидлашди.

Мактабгача таълим ёшидаги тарбияланувчиларининг ушбу кўргазмада иштиро-



Тожикистонлик ўқувчилар Омина Курбонова, Абдуллоҳозода Жалолиддиннинг табиат манзаралари, тошкентлик боғча тарбияланувчилари Солиха Холдоева, Имона Акбарова, Нагима Абдулатторованинг ат-

нашчи”, “Энг фаол виляят”, “Энг яхши мавзуга оид расм” номи нациялари бўйича мукофот ва дипломлар топширилди.

Тадбир доирасида Тошкент шаҳридаги бир катор давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари, Тошкент шаҳрининг “Баркамол авлод” болалар мактаби ўқувчилар хамда Тошкент шаҳридаги “Світанак” беларусь миллий-маданий маркази кошидаги “Ветрик” болалар театр-студияси жамоаси томонидан мусика ва ракс дастурлари намойиш этилди.

## ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯЛАР

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат санъат музейида очилган янги экспозициялар Халкар музейлар кунига бағишиланди. Мазкур санъат масканида хафта давомида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари бўлиб ўтди. “Ўзбекистон санъати XX-XXI аср. Рангтасвир ва хайкалтарошли” каби кўргазмалар ташкил этилди. Лев Буре, А. Волков, М. Курзин, В. Уфимцев, Ў. Тансикбоев, Б. Ҳамдами ва А. Сиддикий каби рассомларнинг музей колекцияларида сакланган ташкил асарлари кўп йиллар давомида биринчи марта намойиш этилди.

Ўзбекистон ҳалқ рассоми Баҳодир Жалоловнинг “Мангуликдаги чизик” кўргазмаси санъатсевар муҳлислар билан гавзум бўлди. Ижодий ўйуни турли ракурсда портретлар яратишдан бошланган Б. Жалолов саломкли асарлар яратмоқда. Таникли режиссер Комил Ёрматов, ёзувчи Сайд Ахмад ва бошқа ижодкорларнинг портретлари рассомга халқаро миёнда шуҳрат келтириди.



Экспозициядан санъаткорниң ижодий фаолияти давомида яратган график асарлари ўрин олган. Рассомнинг оқ-кора рангдаги композициялари, портрет ва қаламтасвирлари бетакор миллӣ оҳанги билан ажаралиб турди. “Тўмарис”, “Умар Хайям шоғирдлари билан”, “Бобоҳам Машраб”, “Гўзал кичкина Сарра билан”, “Кришнанинг нигоҳи” сингари асарларида рассом инсонпарварлик гоясини илгари суради.

Куни-кеча Б. Жалоловнинг санъатсевар муҳлислар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда санъаткор суратларидағи фалсафа мазмуни ҳақида гапириб, ийғилганларнинг саволларига жавоб берди.

С. ҚОСИМОВА тайёрлади.

### Болалар бекати

### Ориф ТЎХТАШ



#### БЎРИНИНГ ҚҮЁНГА ЁЗГАНИ

— Қуён, келгин ёнимга, Оро киргун жонимга. Белим килдай, корним оч, ўтирибман ноилож.

Сени роса согиндим, Юрагим тўлиб бора. Енимда халта-халта Сабзилар сўлиб бора.

Вакт топиб, бир кеп кетгин, Сабзиларни еб кетгин. Манзилим пистирмада, Лекин кўп куттирма-да!

## ҒАРОЙИБ МАКТУБЛАР

#### ЎРГИМЧАКНИНГ ПАШШАГА ЁЗГАНИ

— Салом, пашша жаноблар, Синган ўқуми канотлар? Ҳамиша бўлинг бардам, Ва келиб туринг хар дам.

Кўнглингизни тўқ килиб, Парвозингиз ўқ килиб. Ўнгу сўлга бокмасдан, Дарвозамни қокмасдан,

Келишингиз кутаман, Йўлларга кўз тутаман. Унутиб қўймасин деб, Хат ёзиши кўрдим эп.

Дўстлик соғинчи билан, Тўқидим қалин гилам. Ипакдандир матоси, Борми нуксон, хатоси?

Билолмасдан хайронман, Фикрингиз айтиб кетинг. Гиламда би-и-рой чой иҷиб, Сўнг ... майли, кайтиб кетинг.

ШАМНИНГ ЛАМПОЧКАГА ЁЗГАНИ

— Порлаб тургун баҳтимга, Сен борсанки, омонман.

Ўчиб қолсанг мабодо, Бир кечада тамомман!

#### ДОСКАНИНГ БЎРГА ЁЗГАНИ

— Оқ рангни эслар хамма, Бўр номингни дегандা. Лекин хафа бўлма-ю, Кўнглинг кора экан-да!

Асосларим анчадир, Ҳар бир айтган сўзимга. Ёзганинг ёзган, ахир, Тоза турган юзимга.

Майли, дўстлик туфайли Кўяқолай индамай. Ҳеч бўлмаса ёз энди, Инсоф билан, тирнамай.

ХЎРОЗНИНГ ЧУВАЛЧАНГА ЁЗГАНИ

— Менинг арзимни ёшит, Гўғн титишига ўйқ мазам.

Ер чопилган кезларда, Чикиб коласан баъзан.

Бошха вактлар чикмайсан, Сира ернинг юзига. Лой кечамиз кунма-куп, Раҳминг келсин-да бизга.

Жўжалар нима ейди, Кўклам ҳам келди совук?! — Ота бўлсанг озиқ топ! — Деб жанжал килар товук.

Мен нима ҳам килайн, Ҳеч иш келмас кўлимдан. Мухими — асраш керак, Жўжаларни ўлимдан!

Этам курғур факирнинг Тугаганиши дони ҳам. Ўзи касалхонада, Эмиши-еъ “Қони кам”?..

Хуллас, шунака гаплар, Кайфиятим ийӯ бироз. Сени соғиниб, хатни Ерга кўмгувчи — хўрз.

БЎРИНИНГ ТУЛКИГА ЁЗГАНИ

— Қалай ука, зўрми иш! Якин қолди совук киши.

Ҳавасим келар сенга, Чатоқ бўлди-да менга!

Нима килайн, ахир, Оёқ-кўлларим оғрири. Қандай яшайман кишида?

Кимирлаб колган у ҳам, Сузди кўчкор муттаҳам. Тутган эдим юзини, Қара, унинг сўзини:

— Шиқиллат туёғингни, Ҳеч босма обёғингни. Яна тегсанг қўзимга, Кўрсатаман қўзингга!

Дея менга дўқ килди, Тишларимни ўйқ килди. Очман, раҳм қил бироз, Юбориб тургин хўрз.

#### МИХНИНГ БОЛҒАГА ЁЗГАНИ

— Мен сени дўст деб юрсам, Номард экансан болга!

Бошимга уравериб, Келтирдинг қандай холга?

Умидларим кўп эди, Барини тўқиб кетдинг. Мадор бўлиш ўрнига, Белимни букиб кетдинг.

Ўйлаб кўрсам, вазифанг Биргина “тўқ-тўқ” экан. Дўстман, деганинг билан, Окибатинг ийӯк экан.

Энди менинг ҳаётим Барбод бўлгани тайин. Шу холдан келиб чиқиб, Сенга бир сўз айтайн.

Насиҳатмас, бу — ният, Доим иши олга бўл! Ҳар зарбда ҳам дўст бошин, Ўзиб қайтган болға бўл.

## ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

### «Ко‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ очик танлов савдоларига таклиф этади!

хукуклари 2023 йил 3 июль куни сотилмаган тақдирда, тақорий савдолар 2023 йил 10, 17, 24 июль кунилари соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни кабул килиши 2023 йил 18:00да тўхтатилиди.

Юқоридаги савдо шоҳобчаларнинг ижара хукуклари 2023 йил 16 июня куни сотилмаган тақдирда, тақорий савдолар 2023 йил 26 июня, 3, 10 июль кунилари соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни кабул килиши 2023 йил 18:00да тўхтатилиди.

Савдолда катнашиш учун талағборлар ёпик конвертга солинган таклифларни ва ариза билан бирга кўйидаги хужжатларни тақдим этилади:

— юридин шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

— жисмоний шахслар учун СТИР ва паспорт нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талағборга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичи-

да сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбуриятини юқлатилиди. Талағбор мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиккан холда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ижарага олиш хукукининг бошлангич баҳосини 15 физоддан кам бўлмаган мандордаги сумманинг закалат сифатида “Ко‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалига x/r: 2020800070492069001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирик этиши учун ариза топширгунга кадар тўлаши шарт.

Савдолда ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдола иштирик этиши учун аризаларни кабул килинадиган манзуз: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-йи. Тел: (95) 199-12-21, (95) 195-12-21. www.kmsx.uz. Электрон почта: ko‘chmasmulk@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Таҳрияратга келган қўлгизмалар таҳжил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳриярат нуқтаи назаридан фарқланшини мумкин.

Навбатчи муҳаррир Шуҳрат АЗИЗОВ

Сахифалови Ниғора ТоШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хурузидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидаги томонидан 0283 ракам билан рўйхатта олинган.

Адали - 1096, Буюрга Г - 638.

Ҳажми - 3 босма табоқ, А. 2.

Нащр кўрсаткичи - 222.

Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6



Гул кўп, чаман кўп...

### Бразилиялик ёзувчи Пауло Козельо “Алкимёгар” романи чиққанидан кейин машҳур бўлиб кетди. Китоб қисса вақт ичидаги 65 миллион ададда нащр этилди ва 67 тилга таржима килинди. Бу эса унинг Гинес рекордлар китобига киришига асос бўлди. Козельонинг кейинги нашр килинган китоблари ҳам бестселлер дарражасига кўтарили.

### РУХИЙ ШИФОХОНАДА

Пауло Козельо насиға ўзининг ёзувчи бўлмоқчи экани ва хайдат “анъанавий” йўлдан юрмаслигини айтганди, отонаси ўғлининг тақдирдан ҳошимлини